# М. С. ГОРБАЧЕВнинг

## КПСС Марказий Комитети Пленумида 1990 йил 7 февралда сўзлаган нутқи

Энди биз Марказий Комитетнинг декабрдаги навбатдан ташқари Пленумида муҳокама қила бошлаган масалани ниҳоясига етказишимиз керак. Марказий Комитет аъзоларининг, Марказий Комитет Бош секретарининг Литва Компартияси ҳузурига, республикага сафаридан кейин уни муҳокама қилишга қайтиш учун танаффус қилган эдик. Шу масала юзасидан қисқача маълумот беришга рухсат этгайсизлар.

Мен қисқа гапираман, чунки Марказий Комитет Пленумининг топшириғига биноан ўтказилган иш матбуотда ёритилди, бугун эса биз Литва Компартияси XX съездининг қарори муносабати билан келиб чиққан масаланинг муҳокамасини тугаллашимиз лозим.

Эсингизда бўлса, ўшанда биз бу ерда шу масала юзасидан қизғин гаплашган эдик, турли мулоҳазалар ва принципиал фикрлар айтилган эди. Марказий Комитет Пленумида биз чиқарган хулосани яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман, чунончи Литва Компартияси XX съездининг қарорлари Уставда белгилаб қўйилган ташкилий қоидалар нуқтаи назаридан ҳақиқий эмас, бу қарорлар республиканинг ички турмуши доирасидан ташқари чиқади, бутун партиямизнинг манфаатларига дахл қилади, унинг бирлигига хавф солади.

Шундай бўлсада, биз узил-кесил хулоса чиқармаган эдик ва шу билан тўғри йўл тутдик, деб ўйлайман. Ўшанда жойнинг ўзига бориб ва коммунистлар билан, меҳнаткашлар билан учрашувларда масалаларнинг бутун мажмуини яна бир бор муҳокама қилиш учун Пленумнинг бир гуруҳ қатнашчиларини юборишга қарор қилган эдик. Мана шундай иш қилинди. Мен билан бирга Медведев, Маслюков, Фролов, Велихов, Григорьев, Колесников, Купцов, Ягодин, Ульянов, Каримов, Олейник ўртоқлар республикага бориб келдилар.

Биз республиканинг 15 та райони ва шаҳрида бўлдик, коммунистлар, ветеранлар билан, фан ва маданият арбоблари, ҳарбий хизматчилар билан, қирқдан ортиқ корхона ва ташкилот коллективларининг намояндалари билан учрашдик. Республика партия фаолларининг йиғилиши ўтказилди. Умуман, бутун Литва аҳли билан катта, батафсил, рўй-рост мулоқот бўлди, чунки залларда, учрашувларда, хатто кўчаларда бўлган ҳамма суҳбатлар оммавий ахборот воситалари орқали бутун республикага маълум қилиб турилди.

Учрашувларимиз ва мунозараларимиз қандай муҳитда ўтгани ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Бу муҳит кўп жиҳатдан зиддиятли бўлди. Айни вақтда биз, айниқса режалаштирилмаган учрашувлар давомида, меҳнат коллективлари ҳузурига борилган пайтларда доимо самимий хайрихоҳлик, қизиқувчанликни сезиб турдик. Бизнинг мулоқотимиз «қўшни мамлакатнинг президенти билан музокаралар»га асло ўхшамади, холбуки шу воқеа арафасида «Саюдис» раҳбарлари республика аҳолисини шундай қилишга чақирган эдилар.

Мамлакатимизнинг энг зарур муаммолари хусусида рўй-рост, сидқидилдан гаплашилди. Биз бошқа республикаларга, халқларга, умуман мамлакатга, иттифоққа ҳурматсизликни сездик. Аммо, баъзан танқидий мулоҳазаларни, зардали мулоҳазаларни тинглаш осон бўлмаганини айтмоқ керак. Умуман мана шуларнинг ҳаммаси бизга рўй бераётган жараёнларни чуқурроқ тушуниш, бугина эмас, одамларнинг кайфиятини тасаввур этиш имконини берди.

Ғоят батафсил ва рўй-рост фикрлашувлар республикадаги одамларнинг кўпчилиги қайта қуриш позицияларида турганлигидан далолат беради. Аммо Литва жамиятининг турли кучлари бу тушунчага ўзларича маъно бермоқдалар, ўз мақсадларини кўзламоқдалар. Баъзи кишиларнинг қайта қуришни яккаланиш, хатто республикани иттифоқдан чиқариб олиш йўли билан ўтказиш муддаоси яққол намоён бўлди. Аммо одамларнинг мана шу қисман, айтайлик қаноти ҳам, иттифоқ билан алоқа тарафдоридир. Бошқаларнинг янгиланиш вазифалари янгиланган КПСС ва Иттифоқ федератив давлати таркибидаги барча иттифоқдош республикалар коммунистларининг ялпи куч-ғайратлари билан ҳал қилиниши кераклигига ишончи комил эканлиги ҳам яққол намоён бўлди.

Мана шу, баъзан бир-бирига мутлақо зид бўлган позицияларни эътиборга олиб, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг хулосалари ҳам идрок этилди. Бир томондан, бу хулосаларни Москва томонидан консерватизмнинг намоён бўлиши деб талқин этишга уринишлар бўлмоқда. Иккинчи томондан, Литва Компартиясининг анчагина қисми, республика меҳнаткашлари Марказий Комитет Пленумининг материалларини КПССнинг янгиланишга, илғор ўзгартишлар тарафдори бўлган барча кучлар билан мулоқотга интилаётганлигининг ифодаси деб билдилар.

Афсуски, ҳозирги вақтда республикада айирмачилик кайфиятлари устунлигини қайд этишга тўғри келади. Литва жамиятининг анчагина қисми ўзига хос миллий ҳавойи кўтаринкилик ҳолатида турибди. Бу ҳолат шундайки, хатто далил-исботлар ҳам қабул этилмаяпти. Бу мавзуда миллий ҳис-туйғуларни қўзғатувчи ва худбинлик мақсадларини кўзловчи кўпдан-кўп гап-сўзлар бўлганлиги учун ҳам тўхтатиб бўлмайдиган ўзига хос жазава сезилиб турар эди. Марказий Комитет Пленуми қатнашчиларининг Литвага қилган сафари, турли поғоналардаги учрашув ва суҳбатлар республикада кучайиб кетган салбий тенденциялар давлатнинг илгари сингдирилган, кўп жиҳатдан сунъий унитар системаси, чинакам федерализмнинг йўқлиги замиридан бошланганини яна бир бор кўрсатади. Бу ҳам — ҳақиқий аҳвол эди. Сталин даврида социализм бузилганлигининг иллатлари марказга ишончсизлик, яккаланиш истаги уруғлари униб чиқадиган бир муҳитни вужудга келтирган эди. Айнан худди шундай бўлган эди.

Айни вақтда боя айтганимдек, миллий ҳис-туйғулар жазава билан қўзғатилаётган бир пайтда, жамоатчилик фикрини аниқ мақсадни кўзлаб, зўр бериб шакллантириш, уни эҳтирослар йўлига солиб юбориш ишлари содир бўлмоқда. Яккаланиш хусусидаги далил-исботлар, одатда, умумий тус олган — ўхшатишлар, мажозлар ва шу кабилар кўплаб ишлатилмоқда. Айни вақтда биз ҳозир иттифоқ билан мана шу алоқаларнинг аҳамияти қандайлиги, иттифоқ билан алоқалар узила бошласа, республиканинг аҳволи, халқнинг аҳволи нима бўлиши, Литва учун ва иттифоқ учун қандай оқибатларга олиб бориши ҳақида ҳеч ким халққа ошкора гапирмаётганлигини пайқаб олдик. Бундан бўйин товламоқдалар.

Ўйлайманки, бу—биз учун ҳам хулоса, ўртоқлар. Бизда далил-исботлар кўп, статистика маълумотларининг ўзини эълон қилиб қўяқолиш керак эди, шунда ҳамма ишнинг моҳиятини кўриб олар эди. Профессорлар ва академиклар бизга ҳам, Литва жамоатчилигига ҳам бирон-бир ишонарли гап айтмаганликларини таъкидлашим керак, мен уларнинг бир қисмини билар эдим, бошқаларини у ерда билиб олдим. Уларнинг далил-исботлари, аслида, сийқа ибораларини такрорлашдан иборат. Мамлакатдаги ўзгаришлар суръатининг етарли эмаслиги республикадаги янгиланиш жараёнига халақит беряпти, деган гапни зўр бериб таъкидламоқдалар. Литвадаги қайта қуриш жараёнларининг моҳияти бир нарсадан — миллий яккаланиш заруратидан, республиканинг СССР таркибидан чиқишидан иборат қилиб қўйилмоқда.

Компартия ҳам шу кайфиятга берилган. Ҳа, бу масалани жамиятга ҳам, партияга ҳам тиқиштирганликларини рўй-рост айтмоқ керак. Уни ўтмишдаги буржуа Литваси билан алоқадор кишилар, ўша пайтда ўзлари эгаллаб турган иқтисодий позициялар ва сиёсий мавқе тўғрисидаги хотира билан боғлиқ бўлган кишилар тиқиштирмоқдалар. Оталари ёки боболари тескаричи кучлари билан ҳамкорлик қилган кишилар майдонга чиққанлар. Ҳозир улар ташаббусни қўлга олганлар.

Литвада бизга съезд қарорлари партияга мислсиз юқори обрўни таъминлаб берганини айтишди. Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам шундайдир. Шу билан бирга принципиал позицияларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ҳисобига эмас, балки шу позициялардан чекиниш, айирмачилик кайфиятларига мослашиш, миллатчи кучларнинг хоҳишига бўйсуниш натижасида машҳурликка эришилганини жойдаги вазият билан танишувнинг ўзи кўрсатди. Шунинг оқибатида Компартия амалда парчаланди, унинг икки қаноти шаклланди. Литва Компартиясининг раҳбарияти ўтказилаётган йўлнинг хатарли эканини ҳамон англаб етмаётгандек туюлмоқда. Кўпгина жараёнларга ҳозирги пайтда республикада авж олиб бораётган сиёсий кураш, эҳтирослар позицияларидан қарамоқда. Хавф-хатар бор, бу фикрга қўшилса бўлади. Аммо бу Компартия, унинг сиёсати, стратегияси, тактикаси учун ҳамма нарсани билдирмайди-ку, ахир. Бу борадаги ҳамма нарса ҳам вазминлик билан пухта ўйланган эмас, деган ҳиссиёт вужудга келмоқда.

Биз у ерга борган вақтимизда бизга: мана шундай қарор қилдик ва ундан бошқача ёндашув бўлиши мумкин эмас, деб намойиш қилмоқчи бўлганликларини доимо сезиб турдик. Ўртоқ Бразаускас ва бошқа ўртоқлар бизнинг учрашувларимизда келтирилган соғлом далиллар таъсирида Компартия XX съездининг қарорлари тўғрилигига шубҳа ёйилиб кетмасин, деб ҳатто хавотирликка тушиб қолдилар.

Назаримда биз Литва Компартиясидаги ўртоқларимизга қайта қуришнинг, барча халқларимиз федерациясининг тақдири учун ҳаммамиз масъул эканимиз ҳақида яна бир бор дўстона айтиб қўйишимиз керак. Бу нарса ҳамма халқларга даҳлдордир, чунки Литвада бошқа халқларнинг кўпгина намояндалари яшайдилар. Бунинг устига Литва — давлатимизнинг бир қисми. Биз ўртоқларга Литва Компартияси XX съездининг қарорларига олиб келган йўлдаги заифликни бартараф этишни маслаҳат беришимиз керак.

КПСС XXVIII съездига тайёргарлик кўриш билан, қайта қуришнинг асосий йўналишларига, жамиятимизнинг яқин истиқболдаги тараққиётига дахлдор бўлган КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш билан алоқадор масалаларнинг бугунги, кечаги ва ўтган кунги муҳокамалари Литва Компартиясидаги ўртоқларимизга, унинг иккала қисми намояндаларига КПССдаги, Совет федерациясидаги чуқур ўзгартишлар хусусида Литва коммунистлари ва меҳнаткашларининг ҳар қандай хавотирлигига ўрин қолдирмаслик учун жуда катта имкониятлар очиб беришини кўриш имконини беради.

Бугина эмас, биз ҳар ҳолда улар кайфиятлар таъсирида ва вазият тазйиқи остида съезд ўтказганликларини ҳис қилиб олдик. Фикр-мулоҳаза юритиш учун вақт бўлди, мана энди, менимча, улар аввалги пленумда ва Литвада бўлган вақтимизда биз айтган хулосага онгли равишда ёндашишлари мумкин: чуқур ўзгартишлар имконияти қайта қуриш сиёсатини амалга ошириш орқали, федерацияни ва КПССнинг ўзини янгилаш орқали таъминланади. Ўтган даврда биз янги фактларнинг шоҳиди бўлдик, Озарбайжондаги, Арманистондаги воқеаларни назарда тутаяпман, бу фактлар бир томондан иттифоқдош республикаларнинг суверенлигини мустаҳкамлаш йўлини, иккинчи томондан тўла қонли федерация йўлини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш нақадар тўғри эканини яна бир карра кўрсатиб турибди. Бундан бошқача ёндашиш оқибатлари нима бўлишини олдиндан айтиш қийин бўлган хавфни туғдиради, деб ҳамиша гапириб келган эдик. Энди унинг оқибатлари нима бўлишини айтиш мумкин, деб ўйлайман. Рўй берган воқеа бунинг жуда хатарли йўл эканлигини кўрсатиб турибди.

Биз Литва Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми КПСС Марказий Комитетига Литва Компартиясининг дастури ва Низомини КПССни қайта қуриш модели деб ҳисоблаб, партия XXVIII съезди кўриб чиқиши керак, деб киритган таклифга ҳам муайян баҳо бермаслигимиз мумкин эмас. Охиригача холис бўлмоқчиман — бу таклиф Литва Компартияси раҳбариятидаги ўртоқларимиз ҳар ҳолда шу ҳақда ўйлаётганликларидан далолат беради. Агар келгусида ҳам шу йўлда қадам қўйилса, тўғри йўлда қўйилган қадам бўлади, деб ўйлайман. Бу баёнотнинг оқилона мағзи бор. Бу мағиз Литва Компартиясининг ҳужжатларини КПСС учун модель деб ҳисоблаш лозимлигидан иборат эмас, албатта, балки литвалик коммунистлар партия XXVIII съездидан, бинобарин КПССдан ҳам ўзларини ажратмаётганларидан иборат. Тўғри, улар ҳамкорликнинг ўз, жуда ғайриодат усулини таклиф этмоқдалар.

Ҳар қандай ҳолатда Марказий Комитет ва айниқса Съезд ҳар қандай таклифларни муҳокама қилишга тайёр бўлади, деб ўйлайман. Бу гапдан биз, таъбир жоиз бўлса, улар олдида таслим бўлиб, бу таклифларни тўла-тўкис қабул қиламиз, деган маъно келиб чиқмайди. Йўқ, биз бу таклифларни муҳокама қилишга тайёрмиз.

Биз партия, совет, айниқса хўжалик раҳбарлари, қолаверса ижодкор зиёлилар орасида ҳам ҳатто маънавий тазйиқ вазиятида ҳам масъулият туйғусини йўқотмаган, байналмилалчилик позицияларида қаттиқ турган бир талай кишилар ҳали ҳам борлигига ишонч ҳосил қилдик, мен билан бирга бўлган ҳамма ўртоқлар шу фикрни тасдиқлайдилар, деб ўйлайман. У ерда биз кўп кишилар билан мулоқотда бўлдик, бутун сафарда ўртоқ Бразаускас билан ўртоқ Бурокявичюс бирга бўлдилар. КПССнинг ҳаракат дастурига амал қилувчи муваққат Марказий Комитет билан ҳам учрашдик. Уларнинг позицияси ҳақида аниқроқ гапирадиган бўлсак, бу ўртоқлар ҳам Компартиянинг мустақиллиги тарафдори, аммо янгиланган КПСС доирасидаги мустақиллик тарафдоридирлар, яъни улар ҳозир XXVIII съездга ҳаракат дастурининг маълум қоидаларига ёзиб қўйилган умумий позициямиз бўлиб қолган позицияни қўллаб-қувватламоқдалар. Улар партияни, федерацияни янгилашнинг ҳам, иттифоқдош республикалар ҳуқуқларини кенгайтиришнинг ҳам, демократиялашнинг, жамиятни ва миллатлараро муносабатларни ўтмишнинг ҳамма салбий ҳодисаларидан халос этишнинг ҳам тарафдоридирлар. Бу, айрим кишилар кўрсатмоқчи бўлганидек, кечаги куннинг позицияси эмаслигини, балки қайта қуриш жараёнлари изидан борадиган истиқболли позиция эканини кўриш учун шуни айтмоқ керак. Совет Иттифоқидан чиқиш қандай хавф келтиришини қанча кўп киши билиб олса, Литва коммунистларининг бу қисмининг тарафдорлари шу қадар кўпаяверади. КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Компартиянинг позициясига ишчилар синфининг кўпгина байналмилал коллективлари қўшилаётганликларини айтмоқ керак.

Бизнинг бунга муносабатимизни қисқача бўлсада айтиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Чунки олинаётган маълумотлар КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартиясини республиканинг ижтимоий-сиёсий турмушидан чиқариб юборишга уринишлар бўлаётганини, хатто уни қонундан ташқари деб эълон қилиш билан хавф солинаётганини тасдиқлаб турибди. Хуллас, у ерда бу ўртоқларга осон эмас. Улар кенг йўлга олиб чиқа оладиган принципиал йўл асосида халқнинг туб манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар. Мана шундай кишиларни эса оз бўлмаса сотқинлар, деб эълон қилмоқдалар.

Шу сабабли мен бу ерда вакиллари қатнашаётган Литва Компартиясини ва унинг раҳбариятини мулоҳаза юритишга, вазиятдан чиқиш йўлларини излашга таклиф қила туриб, КПСС билан алоқада бўлиш позицияларида қолган ўртоқларга мадад бериш керак, деб ўйлайман.

Айни вақтда мен: имкони борича кўпроқ сабр-тоқат, ҳурмат, эътибор кўрсатиш тўғрисида ўзимиз таърифлаб берган илк тезисга қайтмоқчиман, чунки бу ҳамма учун жуда муҳимдир. Биз эҳтиросларни тинчитишга ҳаракат қилдик, у ерга бориб одамлар билан гаплашдик, бу — тўғри тадбир бўлди. Шундай бўлсада, Литва Компартияси XX съездининг мустақил компартия тузиш тўғрисидаги қарори — КПСС билан ташкилий ва сиёсий алоқани узишга қаратилган қадамдир. Модомики, шундай экан, бу республика — Совет Иттифоқининг таркибий қисми эканлигига, у ерда турли миллатга мансуб совет кишиларимиз яшаб турганига асосланиб, вужудга келган вазиятдан чиқишнинг эҳтимол тутилган йўлларини белгилаш керак. Муваққат Марказий Комитет томонидангина эмас, Литва Компартияси томонидан ҳам биргаликда куч-ғайрат сарфлаш тўғрисида баёнотлар берилаётганлиги ҳам назарда тутилиши керак.

Марказий Комитет Пленуми Литва Компартияси XX съездининг қарорини КПСС Программасига ва Уставига зид деб бекор қилиши ёки мустақил деб эълон қилинган партияни КПССдан ажралиб чиққан партия деб, унга сиёсий муносабат билдирилиши учун ҳамма асослар бор. Бироқ бундай ёндашув партиянинг, қолаверса бутун жамиятнинг турмуши учун кўпгина, бизнинг назаримизда, салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Шу ёндашув шароитида муқаррар бўлган муҳолифлик бўлинишни баттар чуқурлаштирган ва республикалараро миллий муносабатларни кескинлаштирган бўлур эди. Бизнинг фикримизча, вужудга келган танглик вазиятидан қутулиш йўлларини излаш ва мулоқот қилиш учун ҳали ҳамма имкониятлардан фойдаланилгани йўқ, — мен буни таъкидлаб ўтмоқчиман, ўртоқлар. Бунинг устига биз тубдан қайта қуришнинг ва партияни сиёсий ҳаракат дастури негизида янгилашнинг масъулиятли босқичига киряпмиз, партиянинг XXVIII съездига боряпмиз.

Литва Компартияси XX съездининг қарори тўғрисидаги КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорининг лойиҳаси ўқиб эшиттирилди. Биринчиси. М. С. Горбачев ва Марказий Комитет декабрь Пленуми бир гуруҳ қатнашчиларининг Литва ССРга қилган сафари натижалари тўғрисидаги ахборотни тинглаб, Пленум сафар вақтида Литва меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган учрашувлар, рўй-рост фикрлашувлар, тушган кўпдан-кўп хат ва телеграммаларнинг руҳи республикада КПСС ўтказаётган қайта қуриш сиёсати қўллаб-қувватланаётганидан далолат бераётганини қайд этади...

Иккинчиси. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ЛКП XX съезди КПСС доирасида чақирилганини ва унинг делегатлари Литва Компартиясининг КПСС таркибидан чиқиши тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ваколатга эга бўлмаганлигини назарда тутиб, ЛКП XX съезди резолюциясининг Литва Компартияси ташкилотлари учун КПСС Программаси ва Устави ўз кучини йўқотди, деб таъкидланган қисми, шунингдек ЛКП низоми ёки уставининг партияда аъзо бўлишга тааллуқли бир қанча қоидалари амал қилишини КПСС XXVIII съездигача тўхтатиб қўяди (низомда улар КПССнинг аъзолари эмас, балки Литва Компартиясининг аъзоларидир, деб айтилган).

Литва Компартияси Марказий Комитети пленумининг мен эслатиб ўтган мулоҳазаларини эътиборга олиб, ЛКП XX съездининг ҳужжатлари, дастури ва низоми партия XXVIII съездига таклиф, деб ҳисоблансин.

КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси муваққат Марказий Комитетининг ишига мадад берилиб, унинг фаолияти учун зарур шароитларни яратиш чора-тадбирлари кўрилсин.

КПСС Марказий Комитети Литва Компартияси Марказий Комитетига ва КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси муваққат Марказий Комитетига республика партия ташкилотларидан КПСС Марказий Комитети белгилаб берадиган тартибга биноан КПСС XXVIII съездига делегатлар сайловини ўтказишни тавсия қилади.

Учинчиси. КПСС Марказий Комитети съездолди мунозараси учун Пленум маъқуллаган сиёсий ҳаракат дастури, партиянинг бошқа ҳужжатлари асосида Литва ССРдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш манфаатларини кўзлаб, республика коммунистларининг ва партия ташкилотларининг позицияларини бир-бирига яқинлаштириш ишини давом эттиришни Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси зиммасига юклайди.

КПСС Марказий Комитети ишонч билдириб айтадики, Литва коммунистлари ўзларининг тарихий масъулиятини англаб социалистик идеалларга ва қайта қуриш мақсадларига астойдил содиқ бўлиб қоладилар, Литва халқи ўзининг революцион ғалабаларидан маҳрум бўлишига йўл қўймайдиган, КПССни янгилашга, халқларимизнинг эркин ихтиёрий иттифоқини соғлом ва мустаҳкам асосда мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Мана шундай ёндашув асосида XXVIII съездгача Компартияларнинг икки раҳбар органи — Литва Компартияси Марказий Комитети ва КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси муваққат Марказий Комитетининг ишлашига йўл қўйилади.

Таклиф этилаётган қарор қабул қилинса, у республика коммунистларига, бутун Компартияга XXVIII съезд ишида қатнашиш, унга ўз вакилларини делегат қилиб юбориш имконини берган бўлур эди. Литва Компартияларнинг иккала раҳбар органи, юқорида айтганимдек, шу муносабат билан тегишли тартибда съездга делегатлар сайлаган бўлур эди.

Бинобарин, Литванинг барча коммунистларига, айниқса ҳозир ора йўлда турган коммунистларга съездолди ҳужжатлари асосида КПССдаги аъзоликка, Литва Компартиясининг бундан буёнги тақдирига ўз муносабатини яна бир бор пухта ўйлаб кўриш, ўз йўлини танлаб олиш имконини берган бўлур эди.

Умуман, биз литвалик ўртоқлар вужудга келган аҳволдан қутилиш иложини биргаликда излаш учун шу имкониятлардан фойдаланадилар, деган умид билан эшикни очиқ қолдиряпмиз. Бу нарса, албатта, кўп жиҳатдан уларга, аммо бирмунча жиҳатдан бизга ҳам боғлиқ бўлади.

Аввалгидек биз Литва Компартияси XX съездининг қарорини келтириб чиқарган сабабларни тугатиш иложини қайта қуриш йўлидан тескари томонга ҳаракат қилишдан эмас, балки КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига сиёсий ҳаракат дастурида баён этилган йўлдаги куч-ғайратларни янада кўпайтиришдан излаш керак, деган фикрга асосланамиз.

Бу масалани мана шундай ҳал этиш таклиф қилинади.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА МУЗОКАРАЛАР

## 6 февраль

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **В. Г. Ануфриев**нинг фикрича, шу қадар муҳим Пленумга жуда шошма-шошарлик билан тайёргарлик кўрилди. Тарқатилган лойиҳа жуда тор доирадаги одамлар томонидан тайёрланган бўлиб, буни Марказий Комитет аппарати маҳсули деб атаса бўлади. Партияга жуда баланддан, айтиш мумкинки, «арши аълодан» назар ташланган, шунинг учун ҳам кўпгина тафсилотларни кўз илғамай қолган, турли даражалар — бошланғич ташкилотлар, партия комитетлари, республикаларнинг Компартиялари аралаш-қуралаш бўлиб кетган. Ёпиқ эшиклар ортида ёзилган бу баланд-парвоз ҳужжатда амалий чора-тадбирлардан кўра фалсафа кўпроқ, ҳужжат тили шу қадар жимжимадорки, ҳар ким ҳам тушунавермайди — буларнинг ҳаммаси аниқ-равшан кўриниб турибди.

Нотиқ ўтказилаётган ислоҳотларга танқидий баҳо берар экан, иқтисодий танглик бостириб келаётган бир шароитда раҳбариятнинг ўзига ишончи йўқолди, мужмал қарорлар, чалакам-чатти тадбирларга олиб келган муросалар пайдо бўлди. Саросималик ва даъватлар ҳамда мурожаатномаларга соддадиллик билан ишониш миллатлараро можароларнинг кучайишига ва иш ташлашларга олиб келди. Сиёсий ислоҳот Советларда янги структураларни бунёд этмасдан туриб, иқтисодиётга раҳбарликдан партия структураларини четлатиб қўйишдан бошланди, бу эса иқтисодиётни бошқаришни йўққа чиқарди. Тажрибанинг йўқлиги, айрим раҳбарларда эса ана шу жараёнларни бошқариш уқуви йўқлиги ҳам таъсир этди. Бугунги кун реалликларига асосланиб, «партия» тушунчасининг ўзига, унинг жамиятдаги ролига ва конкрет тарзда қайта қуриш шароитидаги, унинг ролига янгича назар солиш лозим, деб таъкидлади нотиқ. Маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотларининг ташаббускорлигини ошириш, партия оммасининг амалдаги ҳокимиятини таъминлаш, ҳар бир партия аъзосига умумпартиявий сиёсатни ишлаб чиқиш, сайлаб қўйиладиган органларни тузиш ва уларнинг фаолиятига ҳал қилувчи таъсир ўтказиш имкониятини берадиган ички партиявий муносабатлар дастурини яратиш — партияни тубдан янгилаш йўлидаги асосий омиллардир.

Нотиқ съездга делегатларни бевосита сайлаш тўғрисида Пленумда айтилган таклифларни қўллаб-қувватлади. Республикадаги кўпгина коммунистларнинг фикрича, демократик йўсинда ва ошкора сайланган делегатлар корпуси партия барча аъзоларининг қарашлари ва кайфиятини кўпроқ даражада акс эттиради.

Қозоғистон коммунистлари федерализм принципини рад этиб, КПСС Программаси ва Устави доирасида ташкилий, кадрлар, молиявий масалаларни ва бошқа масалаларни ҳал этишда Компартияларнинг ҳуқуқлари анча кенгайтирилишини талаб қилмоқдалар, деб уқтирди нотиқ. Республика партия ташкилотлари ўз ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш, съездлар, конференциялар чақириш муддатларини белгилаш, референдумлар ўтказиш, партиялар ўртасида алоқалар ўрнатиш ҳуқуқларига эга бўлишлари керак. КПСС Марказий Комитетининг Компартиялар ва уларнинг Марказий Комитетлари билан муносабатлари партиявий зуғум ва тазйиқ ўтказишга асосланмасдан, балки биргаликда ишлаб чиқилган қарорлар, ўзаро ҳурмат ва мадад асосида қурилиши керак. Шу муносабат билан Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари КПСС Марказий Комитети бўлимлари территориал секторлари иши мазмунини ўзгартириш тўғрисида таклиф киритди, мазкур секторлар бу ерда иттифоқдош республикалар Компартияларининг манфаатларини ҳимоя қилишлари, ушбу Компартиялар вакилларини юбориш эвазига тузилиши лозим. Компартия билан сира маслаҳатлашиб ўтирмасдан марказдан, борингки жуда уқувли партия раҳбарларини жўнатишдек кадрлар масалаларини ҳал этишни тиқиштиришга уринишларга батамом барҳам берилиши керак.

Нотиқ ҳаракат дастури айрим қоидаларининг, айниқса партия ролига таъриф берилган қоидаларининг бир-бирига зидлигига эътиборни қаратди.

Сиёсий партияларни тузишдан мақсад, деб таъкидлади у, сиёсий ва давлат ҳаётида иштирок этишдан иборатдир. Айтмоқчи, регионлараро группа аъзолари ҳам, халқ фронти ҳам давлат ишларидан ва сиёсий курашдан четда туришмоқчи эмас. Нотиқ ҳаракат дастурида ўтиш даври тўғрисидаги бўлимни алоҳида баён этишни таклиф қилди. Ҳазирча янги иқтисодий қонунлар амал қилмаётган ва иқтисодиётнинг ўз-ўзини ривожлантириш таъсирчан механизмлари пайдо бўлмаган экан, партия янги, сўнгги йилларда орттирилган бошқарув усулларидан фойдаланиб ўзининг раҳбарлик ролини бажариши керак.

Шундан кейин нотиқ кўппартиявийлик хусусида аниқ фикрга келиш керак, деди. Турлича номлар билан неча юзлаб ҳақиқий партиялар ташкил этилди. Туяқуш сингари бошни қум орасига яширмасдан объектив воқеликни уқиб олиш керак. Ҳамкорлик ва оқилона иттифоқлар даври, биз аллақачон унутиб қўйган сиёсий кураш ва муросасизлик даври келди. Буни ҳам ишлаб чиқиш ва ҳаракат дастурида ёзиб қўйиш керак.

Партия раиси лавозимини тасдиқлаш ҳамда сиёсий ижроия комитети тузиш тўғрисидаги таклиф хусусида ўз мулоҳазасини айтар экан, нотиқ, бу ишдаги коллегиалликни сусайтириши, иттифоқдош республикаларнинг вакиллигини рамзий вакилликка айлантириб қўйиши мумкин, деб хавотирланаётганлигини айтди. Нотиқ қуйидаги таклифни айтди: Марказий Комитет аъзолари составини икки баравар кўпайтириш ва иттифоқдош Компартиялар учун норма белгилаб қўйиш керак, масалан, иттифоқдош республикалар Компартиялари учун 20-25 ўрин ажратилиб, бу аъзолар янгиланиб туриши керак.

Нотиқнинг фикрича, съездни ўтказиш муддатларини албатта яқинлаштириш керак, чунки Марказий Комитетнинг ҳозирги состави ва Сиёсий бюро эндиликда тақдирга дахлдор қарорлар қабул қилиш учун етарлича обрўга эга эмас.

Пировардида нотиқ партия бирлигининг барбод бўлиши, мафкуравий соҳадаги муваффақиятсизликлар, Шарқий Европадаги воқеалар учун жавобгар бўлган кишиларни тергаб қўйиш зарурлигига эътиборни қаратди.

У хориждаги мамлакатларга, жумладан, Анголага, Эфиопияга, Никарагуага, Вьетнамга, Кубага кўрсатилаётган иқтисодий ёрдам масаласини ойдинлаштиришни, шунингдек ишни барбод этган ва партияни бадном қилган шахсларни Марказий Комитет составидан чиқаришни талаб қилди.

Ҳаракат дастури лойиҳасида партия демократик социализмга ўтиш шароитида амал қилиши лозим бўлган асосий йўналишлар баён этилган, деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри **Э. А. Шеварднадзе**.

Ўтиш даври тушунчасининг ўзи мақсад сари ҳаракат қилиб боришда аниқ-равшан босқичлар бўлишини тақозо этади.

Партия ушбу ҳаракат дастури билан қайта қуришнинг муайян босқичини ниҳоясига етказади ва навбатдаги босқичга ўтади, бу босқич шубҳасиз мамлакат янги Конституциясини қабул қилиш билан боғлиқ бўлиши керак. Тез қарорлар қабул қилиш қанчалик жозибадор бўлмасин, шошқалоқликдан тийилиб туриш керак. Муайян муддатни ҳам белгилаб қўймаслик керак. Конституция демократиянинг базавий нормаларини қарор топтириш якуни сифатида юзага келиши лозим.

Ҳозир қайта қуришнинг яшаш имкониятини сақлаб қолувчи қарорлар қабул қилиш керак. Агар соғлом кучларни жипслаштиришга муваффақ бўлинмаган тақдирда эртага бошбошдоқлик ва анархия вазияти юзага келиши мумкин. Бундай шароитда катта ва кичик диктаторларнинг саҳнага чиқишларини олдиндан кўра билиш қийин эмас, ана шу диктаторларнинг мамлакатимиз тараққиётини орқага буриб юбориши ҳеч гап эмас.

Ҳаёт қобилиятига эга бўлган партия якка ҳокимликка муҳтож эмас. Партия сиёсий жиҳатдан фикрларнинг хилма-хиллиги, бошқа барча соғлом ижтимоий бирлашмалар билан ҳамкорлик қилиш зарурлигини эътироф этиши керак, ҳаракат дастурида ҳам мардонавор шундай қилинган. Партиянинг янги сиёсий воқеликка мос келиш қобилияти исботланиши лозим. Бундай қилиш ўзини ўзи янгилашга тайёр эканликни айтишга қараганда қийинроқдир.

Яккаҳокимлик турли сиёсий кучларнинг баҳамжиҳат ҳаракат соҳаси сифатида сиёсий турмушни йўқ қилиб юборди. Қайта қуриш ана шу кучларни юзага келтирганида эса ҳукм ўтказиш иллати бизни улар билан муомала қилиш хоҳиш-иродасидан маҳрум этганлиги маълум бўлиб қолди. Қайта қуриш сафсатабозликни рад этиб, амалий ишларни талаб қилди.

Модомики, биз қардош халқлар ҳамдўстлигини сақлаб қолишни истар эканмиз, ҳақиқатан ҳам мустақил давлатларнинг шартнома асосидаги иттифоқи сифатида уни қайтадан бунёд этишимиз, ҳар бир республиканинг миллий мустақиллиги принципини ҳақиқий мазмун билан тўлдиришга амалда кўмаклашишимиз лозим. Россия коммунистларининг мамлакатда содир бўлаётган чуқур ўзгаришларни эътиборга олиб ўзларининг давлат ва партия структураларини тузиш тўғрисидаги таклифларини тўла-тўкис тушуниб муносабатда бўлиш лозим эди. Шундай қилингандагина биз яшаш қобилиятига эга бўлган ва кучли марказни сақлаб қолишга умид боғлай оламиз.

Йўқотилган ишончни иложи борича тезроқ қайта тиклаш, республикалараро муносабатларга ҳуқуқ воситаларини жорий этиш ва шу тариқа уни соғломлаштириш керак. Зудлик билан ҳаракат қилиш ҳам керак!

Ҳокимиятнинг ишлаши — шошилинч чоралар кўрилиши зарур бўлган бошқа бир соҳадир. Демократия ва ҳокимиятсизлик — бир-бирига зид тушунчалардир. Президентлик ҳокимияти таъсис этилишини ёқлаб қатъий фикр билдираман. Бу масалани ҳал этишни чўзиб бўлмайди.

Қайта қуриш, деди министр, аллақачон бизнинг ички ишимиз бўлмай қолган. Халқаро муҳит ҳам қайта қуришимизга баб-баравар даражада бефарқ қараётгани йўқ. Биз илгари жаҳонга қарши турардик, бизга нисбатан чуқур қарор топган ишончсизлик бунинг оқибати эди. Мамлакатнинг ташқи сиёсатигина эмас, шу билан бирга унинг ўз гражданларига муносабати ҳам бунинг сабаби эди. Одамлар: ўз халқи билан муносабатларни шу қадар қаттиқ йўлга қўйган давлатдан хавфсирамаслик мумкинми? — деган саволни беришарди.

Ҳозир дунёда бизга қандай муносабатда бўлишаётгани маълум. Гарчи мен қайта қуриш чет элларда қўллаб-қувватланаётганлиги мамлакатимизда баъзи кимсаларни ғижинтираётганлигини биламан. Аммо ташқи сиёсий фаолликни бўшаштириб бўлмайди. Аксинча, энг ўткир ички муаммоларни кенг кўламдаги халқаро ҳамкорлик билангина муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Бир томонлама ёнбосишлар ва позициялар қўлдан бериб қўйилаётгани ҳақида гапиришмоқда. Аммо биз ҳеч қачон ва ҳеч кимга ҳеч қандай ён босгак эмасмиз, агар ён босган эканмиз фақат соғлом фикрга ён босганмиз холос. Позицияларни қўлдан бериб қўйишга келганда шуни айтиш керакки, бу ҳол кўп йиллар муқаддам рўй берган эди, эндиликда эса биз ана шу позицияларни қийинчилик билан қайтадан қўлга киритяпмиз.

(Давоми учинчи бетда)

(Давоми. Боши газетанинг 7-8- ва 9- февраль сонларида).

